# ОАВни эркинлаштириш йўлида

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Оммавий ахборот воситалари ходимларининг ўртача ёши тобора улуғлашиб бормоқда. Бу, албатта, кишини ўйлантирадиган ҳол. Жойларда бундай марказлар ташкил этилиши масаланинг ечимини топишга ёрдам беради деб ўйлайман. Бу ҳақда сўз бораркан, 2005 йил Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қошида ташкил этилган икки йиллик Олий журналистика курси фаолиятини алоҳида тилга оламиз. Мана, келаси йили унинг дастлабки битирувчилари ОАВдан ўрин оладилар ва фаолият бошлайдилар. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси бу янги ўқув маскани фаолиятини ҳамиша диққат билан кузатиб, улар билан алоқа боғлаб келмоқда. Шу ўринда жорий йил давомида Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети раҳбарлари билан давра суҳбатлари ташкил этилиб, ёш мутахассислар тайёрлаш муаммолари ҳақида фикр алмашилгани, шунингдек, Олий курс профессор-ўқитувчилари ва тингловчилари билан ўтказилган мулоқотларни мисол келтириш мумкин. Бу мулоқотлар журналист кадрлар тайёрлаш муаммоларига чуқурроқ кириб бориш, уларни ҳал этишга ёндашишда муҳим омил бўлди.

Маълумки, сиёсий партияларнинг жамиятимиздаги нуфузи тобора ортиб, мустаҳкамланиб бормоқда. Бу эса оммавий ахборот воситаларидан уларнинг фаолиятини ёритиш масалаларида ҳам эътиборли бўлишни тақозо этади. Уюшма томонидан фуқаролик жамиятини ўрганиш институти билан ҳамкорликда ўтказилган «Партия нашрлари фаолиятини такомиллаштириш муаммолари», «Сиёсий партиялар веб сайтларини ривожлантириш омиллари» каби тадбирлар ана шу масалаларга қаратилган. Уларда ОАВнинг сиёсий фаоллигини ошириш муаммолари ҳақида фикр билдирилди.

Мана, жорий йилнинг 9 ноябрида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Конституциямизнинг 83-моддасига асосан Ўзбекистон Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси тартибида «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида» конституциявий қонун ва «Ўзбекистн Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш учун киритди. Бу лойиҳалар ҳозирги кунда партиялар ва умумхалқ муҳокамасида. Демак, бу масала журналистларимиздан янада фаолроқ бўлишни, энг аввало, бу лойиҳалар моҳиятини ўзлари яхши тушуниб олишларини тақозо этади.

Маълумки, муҳтарам Юртбошимиз ташаббуси билан бу йил мамлакатимизда «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилинди ва шу муносабат билан давлат дастури ишлаб чиқилди. Дастур доирасида вазифаларни бажаришда ОАВ ҳам фаол иштирок этди. «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» рукни ташкил этилиб, унинг асосида мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳомийлик ишлари, соғлиқни сақлаш тизимидаги янгиланишлар, ислоҳотлар жараёни кенг ёритиб борилди. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳам матбуот, телевидение, радио ва бошқа ОАВ ижодкорларини ҳомийлик ишларини ёритишга янада кенгроқ жалб этиш мақсадида «Саховат — савоб иш», «Олийҳиммат юртдошларимизни шарафлаймиз», «Яхшиларга ёндашиб» каби мавзуларда тадбирлар ўтказди. Худди шунингдек, «Хотира ва Қадрлаш куни» арафасида уруш ва меҳнат фахрийлари, ногирон журналистлар учун байрам дастурхони ташкил этди, уларни моддий рағбатлантирди.

Йил якунлари ҳақида сўз юритарканмиз, фаолиятимизда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар фонди — ЮНИСЕФ ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда амалга оширилаётган хайрли тадбирлар ҳам алоҳида ўрин тутади. Сизга яхши маълум: темир моддаси билан бойитилган ун инсон саломатлиги учун жуда фойдали ва ЮНИСЕФ бу борада кенг тарғибот ишларини олиб бормоқда. Фонд бу ишда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасига ҳамкорлик қилишни таклиф этди, биз бу таклифни мамнуният билан қабул қилдик. Унни бойитиш бўйича миллий дастур доирасида марказий ва минтақа журналистлари учун амалий семинар ташкил этдик. Унда миллий дастур моҳияти, амалга ошириш йўллари, мақсад-вазифалари ҳақида сўз юритилди. Шунингдек, бойитилган ун мавзусининг мамлакатимиз ОАВда кенг кўламда ёритилишини таъминлаш ва бу борада фаоллик кўрсатган журналистларни рағбатлантириш мақсадида ЮНИСЕФнинг Тошкентдаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда танлов ўтказдик. Танлов ғолиблари эсдалик совғалар билан тақдирланди. Айни пайтда унинг навбатдаги босқичи давом этмоқда.

Албатга, ниҳоясига етиб бораётган йил давомида бундай тадбирлар кўп ўтказилди. Улар журналистларга манзур бўлмоқда. Жумладан, халқаро Хотин-қизлар байрамига бағишланган «Атиргул», Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан ташкил этилган «Йилнинг энг фаол журналисти», Ўзбекистон мустақиллиги байрамига бағишлаб «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Ўзтелерадиокомпания, «Ўзбеккино» миллий агентлиги билан биргаликда ташкил қилинган «Энг улуғ, энг азиз» танловларида, фикримизча, мамлакатимиз ижодкорлари орасидан катта иқтидор соҳиблари ва муносиблар танлаб олинди ҳамда улар рағбатлантирилди.

Ўтган йили амалга оширган хайрли ишларимиздан яна бири шу бўлдики, бир қатор таҳририятларнинг, ўзбек журналистикаси ривожига катта ҳисса қўшган, мамлакатимиз ОАВда узоқ йиллардан бери самарали фаолият олиб бораётган журналистларнинг юбилейларини нишонладик, бир қанча ижодкорларимизнинг китоблари тақдимотини ўтказдик. Жумладан, «Саодат» журналининг чиқа бошлаганига 80 йил бўлгани, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг ташкил этилганига 50 йил тўлгани, «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг фаолият кўрсата бошлаганига 40 йил бўлгани кенг байрам қилинди, журналистлардан Зиёд Есенбоев, Мақсуд Қориев, телевидение диктори Галина Мельникова, Мухтор Худойқулов ва бошқаларнинг таваллуд топган кунлари нишонланди.

Энди 2007 йилги режаларга келсак, асосий мақсадимиз миллий журналистикамиз равнақи, мамлакатимиз ОАВ фаолиятини эркинлаштириш йўлида қўлдан келганча хизмат қилиш.

Албатта, биз бу йил ҳам анъанавий бўлиб қолган танловларимизни яна давом эттирамиз. Жумладан, «Йилнинг энг фаол журналисти» , «Энг улуғ, энг азиз», «Олтин қалам», «Атиргул» каби танловларимиз бу йил ҳам ўз ғолибларини кутмоқда. Умид қиламиз, ижодкорларимиз уларда фаол қатнашадилар.

Булардан ташқари Ижодий уюшма томонидан «Хотира ва қадрлаш куни»га бағишлаб тадбир ўтказиш кўзда тутилган. Шунингдек, ўзбек журналистикаси тарихидан ўрин олган алломалар юбилей саналари ҳам турли тадбирлар воситасида нишонлаб борилади.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг 2007 йилдаги фаолияти режалари қисқача ана шулардан иборат. Булар фақат режалар. Ҳаёт эса ўзининг воқеа-ҳодисаларга бойлиги, янгиликлари билан ҳаёт. Шундай экан, Ижодий уюшманинг йил давомидаги фаолияти ҳам кенгайиб, бойиб бориши шубҳасиздир. Режалар эса фаолиятимизнинг устувор йўналишлари бўлиб қолади.


Осимхон ВОСИХОНОВ чизган

Аҳвол

**Одатда, ногиронлар кўзга кам ташланади, бирор бир мажруҳ одамми ёки юриш-туриши, афту ангоридан чандон хасталиги аён бўлиб турган кимсага дуч келган тақдирдагина “ногирон” сўзи хаёлимиздан кечиши мумкин. Бироқ ногиронлиги кўзга ташланмайдиган, аслида бирор бир жиддийроқ ички касаллик туфайли меҳнат қобилиятини йўқотиб, ногиронлик гуруҳида юрганлар қанча!**

## Ногиронлик билан хайрлашув

### Фарғона Реабилитация марказида осон кечмоқда

**МУХБИРИМИЗ**

Шу ўринда, масалага чуқурроқ шўнғийдиган бўлсак, тўрт мучаси соппа-соғ икки бети хўрознинг тожисидек қип-қизил, сизу биз билан баб-баравар гурсиллаб юрган, лекин “ногирон”ликка ўтиб олиб, давлат маблағини “туя” қилиб юрганлар ҳам оз эмаслигига амин бўламиз.

Фарғона вилоят кенгашининг депутати, олий тоифали шифокор-мутахассис Муҳаммаджон Умрдинов вилоят тиббий меҳнат экспертиза хизматига бош эксперт бўлиб келди-ю, арининг уясига чўп суқилди!

Қайси маънода? Ногиронни ногиронга, текинхўрни текинхўрга ажратишга астойдил киришгани, қанчалаб қалбаки ногиронликни фош этиши, айрим таъмагир экспертларнинг эса ишдан ковушини тўғрилаб қўйиши сабаб бўлди.

Ўз ўрнида, қонуний равишда ногиронлик ҳисобида турган фуқароларни ҳам тиббий экспертизадан ўтказиш, уларнинг ногиронлик даражасини муайян ўринга қўйишнинг иложи борларини эса реабилитациядан ўтказиб, меҳнат лаёқатини қайта тиклаш масаласига алоҳида эътибор берилди. Қишлоқма-қишлоқ, маҳаллама-маҳалла кезишиб, ростдан-да меҳнат лаёқатини йўқотган, бироқ ногиронлик ҳуқуқини тиклолмай юрганларни эса тиббий экспертизага жалб қилишга ҳам астойдил киришилди.

Республика ва вилоят оммавий ахборот воситалари “Ногиронлик кўрсаткичи бошқаларга қараганда юқори бўлган Фарғона вилоятида кўрсаткич кескин камайиб кетганлиги”ни ёрита бошладилар.

— Ногиронларни вақт-вақти билан тиббий экспертизадан ўтказиб туриш, уларни имкон қадар соғломлаштириш ва меҳнат лаёқатларини қайта тиклаш масаласи асосий иш дастуримизга киради, — дейди Муҳаммаджон Умрдинов. — Бу ўринда, Фарғонада жойлашган ногиронларни тиббий, ижтимоий ва касбий реабилитация қилиш маркази анча самарали ишлаётганини алоҳида таъкидламоқ лозим.

Гапнинг рости, мазкур марказ фаолиятини ҳам яқин вақтларгача кўнгилдагидек деб бўлмасди. Бу ерга жўнатилган ногиронлар учун ғамхўрлик ва уларни даволаш шарт-шароитлари талаб даражасида эмасди, эндиликда аҳвол тубдан ўзгарди. Республика Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда вилоят ҳокимлигининг бевосита кўмагида марказ биноси капитал таъмирдан чиқарилди, янги ётоқхоналар, ошхона ва ҳордиқ чиқариш жойлари барпо этилди. Фитобар ва руҳий реабилитация хоналари ташкил қилинди. Функционал текшириш лабораторияси, даволаш ва массаж хоналари замонавий тиббий техник асбоб-ускуналар билан қайта жиҳозланди.

— Кўплаб бирламчи ногиронлар шу ернинг ўзидаёқ саломатлигини қайта тиклаб, меҳнат қўйнига қайтмоқда, — дейди реабилитация маркази директори Шавкатжон Ортиқов. — Масалан, ўтган йили самарадорлик 57,4 фоизни ташкил этган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич яқин 65 фоизга етди. Бу дегани, кўплаб ногиронлар хасталикдан холи бўлишиб, соғлом турмуш кечириш имконига эга бўлдилар.

Маълумки, яқинда Президентимизнинг “2006-2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги қарори чиқди. Бу ҳужжат, табиийки, реабилитация маркази жамоасидан ногиронларга малакали тиббий хизмат кўрсатишни, уларнинг реабилитациясини янада кучайтиришни талаб қилиб турибди. Шунга кўра, улар мазкур қарор ижросини изчил бажариб боришга қаратилган чора-тадбирларни ишга солишмоқда.

Яна бир қувонарли ҳол: ҳозир вилоятда ногиронликни реабилитация қилиш, яъни уларни тўлақонли меҳнатга қайтариш бўйича тиббий хизматнинг кучайтирилиши натижасида, ҳар ойда (!) давлатнинг ўрта ҳисобда 100 миллион сўм маблағи тежаб қолинмоқда.



# Ўзбекистон Республикаси Давлат тижорат Халқ банки

BANK XALQ BANKI

**Мамлакатимизнинг барча фуқароларини муқаддас Курбон ҳайити байрами ҳамда яқинлашиб келаётган янги 2007 йил — "Ижтимоий ҳимоя йили" билан самимий муборакбод этади. Янги йилда оилангизга тинчлик-хотиржамлик ва омад тилаймиз.**

*Қалбингизни қувонч ҳеч қачон тарк этмасин.*

Юртимизда тинчлик, осойишталик доимо ҳукмрон бўлсин.



**Ўз навбатида турмуш фаровонлигингизни янада оширишда банкнинг "Оила фаровонлиги" истеъмол кредитидан фойдаланишни тавсия этади.**

**Бунда сиз:**

- Ўз оила эҳтиёжларингизни қондириш мақсадида чорва моллари, парранда ва улар учун ем-хашак харид қилиш;
- Миллий ҳунармандчилик ва касаначилик билан шуғулланиш;
- Уй-жой (ҳовли) ва квартираларни таъмирлаш;
- Дори-дармонлар сотиб олиш ва даволаш;
- Республикамизда ишлаб чиқарилган уй-рўзғор буюмларини харид қилиш ва бошқа имконият ва қулайликларга эга бўласиз.

**Шу билан бирга банкнинг "Ишонч" ва "Барака" сўм пластик карточкаларидан фойдаланишни таклиф этади.**

Мазкур пластик карточкалар орқали — савдо муассасалари, ёқилғи қуйиш шохобчалари, аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи тармоқларда товарлар ва кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китоб қилишингиз ҳамда исталган вақтда банк филиалларидан нақд пул олишингиз мумкин.



Оилангиз банки хизматлари эвазига турмуш фаровонлигингизни оширинг!




Маҳорат

# Сиёсий шарҳловчи бўлмоқчимисиз?

Иброҳим НОРМАТОВ,
"Туркистон-пресс" нодавлат ахборот агентлигининг бош директори ўринбосари

Биз сиёсий шарҳловчилар нафақат мамлакатимизда, балки жаҳонда бўлаётган воқеа-ҳодисаларни кузатиб таҳлил этиб, иложи борича уларга ўз муносабатимизни билдириб боришимиз зарур. Ҳар бир воқеа-ҳодисанинг моҳиятини идрок этиш, турли ёндашув ва фикр-мулоҳазаларни қиёслаш, холис ва ҳаққоний хулоса чиқариш жуда муҳим.

Мана, 2006 йил ҳам якунланиб боряпти. Агар унинг ёрқин саҳифаларини кўз олдимиздан ўтказадиган бўлсак, сўзсиз, ҳар биримиз аввало Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати билан боғлиқ воқеа-ҳодисаларни эслаймиз. Якунланаётган йил бир қатор фикр ва фахр уйғотадиган, ишонч ва қониқиш ҳосил қиладиган, ифтихор ҳиссини қўзғайдиган, умид туғдирадиган ҳолатлар билан эсимизда қолиши шубҳасиз.

Мен сиёсий шарҳловчи сифатида биринчи навбатда ташқи сиёсатда босган мустақил ва дадил қадамларимизни эслайман. Энг муҳими, маълум даражада дўст билан душманни фарқладик, ким тўғрию ким эгри эканлигини тушундик, ғанимларимизнинг фисқу фасодларига муносиб зарба бердик, мураккаб ва қалтис вазиятларда мустақил қарорлар қабул қилдик, Ватан ва халқ манфаатини ҳамма нарсадан устун қўйдик, ўзлигимизни бой бермадик, жаҳонда ўз ўрнимиз, ўз сўзимиз ва овозимиз борлигини баралла намоён қилдик. Халқаро ҳамжамиятдаги ўрнимизни мустаҳкамладик, Евросиё иқтисодий ҳамжамиятидаги иштирокимизни кенгайтирдик, Россия билан иттифоқчилик муносабатларимизни янги босқичга кўтардик.

Албатта, ташқи сиёсатдаги мустақил ва дадил қадамларимиз биз сиёсий шарҳловчиларга илҳом бағишлади. Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмаслигини нафақат дўстларимиз, балки ғанимларимиз ҳам англаб етишди. Бундай ҳолат биз шарҳловчилардан ташқи сиёсатда танлаган йўлимизнинг моҳиятини очиб беришни тақозо этарди. Шунинг учун бунинг мураккаблигини ва нозиклигини, умуман, масъулият ҳиссини доим англаб турдик. Яъни олдин қалбингга қулоқ сол, сўнгра қўлингга қалам ол, деган даъват бизни ҳамиша ҳушёрликка чорлаб турди. Жаҳонда юз бераётган воқеа-ҳодисаларни тез илғаб олиб, мустақил фикрлашга ҳаракат қилар эканмиз, имкон қадар холислик ва ҳаққонийлик мезонига амал қилдик. Айниқса, хулоса чиқаришда бирёқламаликдан сақландик.

Гап сиёсий шарҳ ҳақида борар экан, мен кекса журналист сифатида бир ҳақиқатни айтиб ўтмоқчиман. Илгари совет даврида биз ўзбек журналистлари ташқи сиёсатни, умуман, халқаро ҳаётни шарҳлашга ҳақли эмасдик. Бундай ҳуқуқ фақат марказда ишлайдиган журналистларга берилар эди. Биз уларнинг фикрларини такрорлаш билан чегараланиб қолардик. Ташқи сиёсатда мустақил фикр айтолмасдик. Бизга бундай имкониятни мустақиллик берди. Мустақил давлатнинг мустақил ташқи сиёсатини шарҳлашдек юксак шарафга муяссар бўлдик. Бугун нафақат Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатини, балки жаҳондаги долзарб масалаларни, дунё миқёсидаги воқеа-ҳодисаларни, умуман, халқаро ҳаётни ҳам ўз нуқтаи назаримиздан келиб чиқиб эмин-эркин шарҳлаяпмиз. Мен шу нарсани фахр-ифтихор ва ишонч билан айта оламанки, бугун Ўзбекистон журналистлари — сиёсий шарҳловчилари мулоқотда ва мунозарада хорижий давлатлардаги ҳамкасблари билан бемалол рақобатлаша олади.

Халқаро мавзуда ёзадиган ҳамкасбларимнинг ижодини қизиқиб кузатиб бораман. Уларнинг орасида фикри уйғоқлари кўп. Жаҳон сиёсатининг нозик жиҳатларини тўғри идрок этишади. Бироқ баъзилари мустақил шарҳлашга, хулоса чиқаришга келганда қийналиб қолишади. Журналист, айтайлик, инглиз тилини ёки бошқа тилни билгани, интернетга йўл топгани, хориж матбуотини ўқигани билан сиёсий шарҳловчи бўлиб қолмайди. У сиёсатни билгани ва унинг моҳиятини идрок этгани билан ёзолмаслиги мумкин. Ёзиш учун эса тажриба ва маҳорат керак. Демак, тинмай изланиш, ўрганиш, машқ қилиш зарур.

Ҳозир матбуотда халқаро мавзуни ёритишда оммалашиб кетган бир иллат бор. Баъзи ҳамкасбларим интернет тармоқларидан тайёр материалларни кўчириб олишади-да, сўнг таржима қилиб, уларнинг тагига сиёсий шарҳловчи деб имзоларини қўйиб босиб чиқаравերадилар. Аслида улар турли манбалардан ғоя ва фикр ўғирлаб фан номзоди ёки фан доктори бўлаётган кўчирмачи олимлар каби сохта шарҳловчилардир. Сиёсий шарҳловчи ҳар бир воқеа-ҳодисага ўз нуқтаи назаридан келиб чиқиб ёндашгани маъқул. Бироқ ҳар қандай ҳолатда ҳам муносабат билдирганда ўз давлатининг ва ўз халқининг манфаатини унутмаслиги керак. Шубҳасиз, ҳар қандай ташқи сиёсат кимнингдир манфаатига хизмат қилади. Буни унутган сиёсий шарҳловчи кечириб бўлмайдиган хатога йўл қўяди. Мен бир давлатнинг манфаатига ёки давлатлараро муносабатларга зарар етказиб қўйишни назарда тутяпман.

Баъзан давраларда бўлганда "Ғарб дунёсида матбуот ҳамма нарсани очиқ ёзади" деган гапни эшитиб қоламан. Бу сиёсатни билмасликнинг оқибати. Мана, бир мисол. Демократик партиянинг баъзи бир вакилларини эътиборга олмаганда, Ироқдаги ноқонуний урушни АҚШ матбуоти маъқуллаб ёзди. Ўзларини ҳақиқий жарчилари ва демократия устунлари деб ҳисоблайдиган халқаро шарҳловчилар урушни оқлаб ёзишди. АҚШ матбуотида бундай шарҳни ҳозир ҳам ўқийсиз. Яқин Шарқдаги можарони ёритишда ҳам бирёқламалик кўзга ташланади. Умуман, Ғарб дунёсида оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳар қандай воқеа-ҳодисага баҳо берганда, аввало, ўз давлатларига дахлдорликдан ёки сиёсий манфаатдорликдан келиб чиқиб муносабат билдирадилар. Фақатгина ҳукуматга ёки бир-бирига мухолифатда бўлган сиёсий кучларга қарашли матбуот вакиллари қарама-қарши фикр баён қилишлари мумкин. Буни англаб етмаганлар хориждаги "матбуот эркинлиги"га маҳлиё бўлиб юраверадилар. Сиёсий кураш ва манфаат ҳар қандай "эркинлик"дан устун эканлигини англаб етишнинг ўзи бўлмайди. Сиёсий шарҳловчилик шуни талаб этади. Ўзбекистонлик ҳамкасбларимга нисбатан шуни англатмоқчиманки, халқаро мавзуни ҳамда мустақил ташқи сиёсатимизни ёритишда бировларнинг ҳақиқати билан ўзимизнинг ҳақиқат ўртасидаги чегарани — мезонни билишимиз зарур.

Бу йил кузатилган синовлар билан боғлиқ бир фикр. Халқаро журналистикада аксилтарғиботнинг ўз ўрни бор. Жумладан, хориждаги айрим шарҳловчиларнинг биздаги воқеа-ҳодисаларни, умуман, ташқи сиёсатимизни бир томонлама талқин қилишлари, турли уйдирма ва иғволарни ўйлаб топишлари асло бизни бефарқ қолдирмаслиги керак. Уларнинг дийдиёларига далил-исботларни, соғлом фикрларни қарши қўя олсаккина шарҳловчиликни уддалай олган бўламиз. Қуруқ сен эгри, мен тўғри деган билан бўлмайди. Назаримда, халқаро журналистиканинг бу йўналиши бизда аста-секин шаклланиб боряпти. Айниқса, бу йил ўзини дадил намоён қилганлиги қувонарли ҳол. Бу борада матбуотда янги номлар пайдо бўлаётганлигидан мамнунмиз. Сиёсий шарҳловчи мафкуравий курашга ҳамиша тайёр бўлиб туриши зарур.

Шубҳасиз, жаҳонда юз бераётган воқеа-ҳодисаларни шарҳлашда, айтайлик, тележурналист билан газета журналистининг имкониятлари турлича. Газеталарда чуқур ва атрофлича таҳлил қилиш, воқеа-ҳодисаларни қиёслаш, айниқса, саводдан сабоқ олиш, сўз ва ибораларни танлаш ҳамда ёзиш санъатини ўрганишда имконият катта. Телевидение ва радиода эса имкониятлар маълум даражада чегараланган. Бироқ шарҳловчилик маҳоратини эгаллаш ва уни чархлаб бориш журналистнинг қайси оммавий ахборот воситасида ишлашига эмас, унинг ўзига боғлиқ. Тинмай изланиб, ўз устида ишлаб, бошқалардан ўрганиб, жаҳонда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни тўғри идрок этиб, уларга муносабат билдириб борадиган журналист, шубҳасиз, синовлардан муваффақиятли ўтади.

Тўғриси, бугун биз ўзбек журналистлари дунё сиёсат оламида тутган ўрнимиз ва халқаро журналистика тараққиётига қўшган ҳиссамиз билан жаҳоннинг пешқадам давлатларидаги ҳамкасбларимиз билан бемалол беллаша оламиз. Бугун катта тажриба ва юқори малакага эга бўлган кўплаб журналистларимиз ўзларининг сўзларию овозлари билан жаҳонда Ватанимиз шаънини шарафлашга, унинг ташқи сиёсатини тарғиб этишга ва манфаатларини ҳимоялашга хизмат қилмоқда. Бир сўз билан айтганда, сиёсий шарҳловчи бўлишнинг масъулияти катта.

Қиёфа

# Ҳарбий зобитликдан бош вазирликка

Абдул СОБИР



ИСРОИЛ бош вазири Эхуд Ольмерт тугаётган йилда кўплаб шов-шувли ҳодисалар марказида бўлди. Исроил ҳукумати бошлиғи буйруғи билан жорий йилнинг 12 августида Ливанга қарши катта ҳарбий амалиёт бошланди. Табиийки, урушга ижозат берган арбоб сифатида у кескин танқидларга дучор бўлди. Орадан кўп ўтмасдан қаттиққўл ва кескин феъл-атвори билан танилган Ольмерт коррупция ва порахўрликда айбланди...

Эхуд Ольмерт 1945 йилнинг 30 сентябрида Исроилнинг Бинямин шаҳрида туғилди. Эхуднинг асли россиялик яҳудийлардан бўлган отаси ўз даврининг машҳур сиёсатдонларидан эди ва мамлакат парламенти депутатлигига ҳам сайланганди. Айтиш жоизки, оиладаги муҳит Ольмертнинг давлат бошқаруви ва сиёсат оламига кириб келишига сезиларли туртки бўлди.

Бўлажак етакчи Исроилдаги нуфузли олийгоҳлардан бўлган Яҳудий университетининг ҳуқуқшунослик факультетига ўқишга кирди. Университетдаги таҳсил давриданоқ Ольмерт жамоат ишларида фаол иштирок этди ва "Херут" ҳаракатининг ёшлар қанотига раҳбарлик қилди.

Бинямин шаҳрилик талаба йигитлик даврида ўзини турли соҳаларда синаб кўрди. Мамлакатда нашр этиладиган "Бе Махене" газетасининг мухбири бўлиб ишлади. Исроил армиясида ҳарбий зобит лавозимида хизмат қилди.

Кейинроқ олий маълумотли ҳуқуқшунос сифатида "Эхуд Ольмерт" адвокатлик фирмасини ташкил қилди. Бироқ бу ишларнинг бирортаси ҳам бўлажак ҳукумат раҳбарини қониқтирмади. Ўз ўрни катта сиёсатда эканини англаб етган Ольмерт жиддий тартибда мамлакатдаги турли партиялар, гуруҳлар фаолиятини ўрганиб чиқди.

"Ликуд" партияси ҳукмрон сиёсий гуруҳ сифатида Исроилда узоқ вақт катта таъсирга эга бўлиб келган. Сиёсий саҳнага қадам қўйган Ольмерт ҳам ана шу партияни танлади.

Эхуд Ольмерт Исроил парламенти — кнессет депутати этиб сайланган 1973 йили эндигина 28 ёшни қаршилаган эди. Ҳали 30 га ҳам тўлмаган йигитнинг катта довондан ошиши ва депутат сифатида сайланишида унинг нотиқлик иқтидори қўл келганди.

ОТАШИН нуқтлари билан кнессетни забт этган Ольмерт мамлакат парламентининг доимий аъзосига айланди. Сайлаб қўйиладиган бошқарув идорасида Ольмерт каби 30 йилдан ошиқ муддат ишлаган сиёсатдон кам топилади.

1988 йилдан кнессетнинг садоқатли депутати ҳукумат ишида ҳам фаол иштирок эта бошлади. Кўп ўтмай Ольмерт миллий озчилик масалалари бўйича вазир этиб тайинланди. Кейинроқ унга мамлакат соғлиқни сақлаш тизими ишониб топширилди. Соғлиқни сақлаш вазири сифатида Ольмерт соҳада катта ислоҳотлар ўтказди, жумладан, тиббий суғурта хизматини ривожлантирди.

1993 йили вазир вазифасини муваффақиятли бажарган арбобга ўта масъулиятли лавозим — Қуддус шаҳри ҳокимлиги топширилди. Эхуд Ольмерт Қуддусни роппа-роса ўн йил идора қилди.

2001 йили Исроил ҳукумати тепасига Ариэль Шарон келди. Янги бош вазир сифатида ўз маҳкамасини шакллантиришга киришган Шарон энг аввал пойтахт ҳокимига эътибор қаратди. Чунки кўп йилдан буён битта партия сафида бўлган Ольмерт ва Шарон кўп масалаларда, жумладан, Ғазо сектори ҳамда Ғарбий қирғоқдан яҳудийларни олиб чиқиш ва мудофаа деворини қуриш борасида ҳаммаслак ва ҳамфикр эдилар.

Айнан Ғазони тарк этиш масаласида Шарон раҳбарлигидаги "Ликуд" партияси парчаланиб кетди. Ғазодан яҳудийларни олиб чиқиш кетиш режасини фаластинликларга ён босиш деб баҳолаган кўплаб "ликуд"чилар бош вазирни танқид остига олишди. Бунга жавобан Ариэль Шарон партияни намойишкорона тарк этди ва янги "Кадима" сиёсий ҳаракатига асос солди. Шарон билан сиёсий иттифоққа келишган Ольмерт ҳам унинг изидан бориб "Ликуд"дан чиқди ва "Кадима" сафига қўшилди.

ЖОРИЙ йил бошида 78 ёшли Ариэль Шарон қаттиқ бетоб бўлиб, ҳукуматга раҳбарлик қилолмай қолди. Бу пайтга келиб, аллақачон ҳукуматда иккинчи шахс бўлиб улгурган Ольмерт дастлаб вақтинча бош вазир вазифасини бажариб турди. Апрель ойидан эса Исроил парламенти Эхуд Ольмертни ҳукумат раҳбари сифатида тан олди. Шу тариқа Бинямин шаҳрилик адвокат азалий орзусига эришди.

Сўзимиз аввалида Эхуд Ольмерт қаттиққўл ва кескин сиёсатли арбоб эканини таъкидлаб ўтгандик. Бу яқинда Ливан ва Исроил ўртасида бўлиб ўтган уруш вақтида яна бир карра исботланди.

# Порядковый номер сообщения 09

23 декабря 2006 года

**Акционерным коммерческим**

# Турон банком

TURON BANK

проведено внеочередное акционерное собрание.













Решение общего собрания акционеров:

- Вид общего собрания внеочередное;
- Форма проведения собрания — очное;
- Дата проведения общего собрания — 23.12.2006г;
- Место проведения общего собрания — г. Ташкент, ул. Абая, дом 4а;
- Кворум общего собраниыя 71,8%.

Вопросы поставленные на голосование и итоги голосования по ним:

**1.** Утверждение объявления VII эмиссии банка на сумму 1400 млн. сум и повышения Уставного капитала банка. Результат голосования «за» — 2404914 штук простых акции, «против» — нет, «воздержавшихся» — нет.

**2.** Утвердить внесение изменений и дополнений в Устав Банка. Результат голосования: «за» — 2404914 штук простых акции, «против» — нет, «воздержавшихся» — нет.

Пункт 2, статьи 4 — Уставный капитал банка изложить в следующей редакции:

Уставный капитал банка составляет 3 600 000 000 (Три миллиарда шестьсот миллионов) сум и поделен на акции:

- Именные и простые в количестве 3 349 000 (Три миллиона триста сорок девять тысяч) штук, номинальный стоимостью по 1000 (одной тысяче) сум, всего на сумму 3 349 000 000,0 (Три миллиарда триста сорок девять миллиона) сум;
- Именные привилегированные — в количестве 251 000 (Двести пятьдесят одна тысяча) штук, номинальной стоимостью по 1000 (Одной тысяче) сум, всего на сумму 251 000 000,0 (Двести пятдесять один миллион) сум.

Сумма объявленных акции, которые банк может выпустить с целью увелечения уставного капитала, составляет 1 400 000 000,0 (Один миллиард четыриста миллионов) сум, в т ом числе:

- Именные простые — в количестве 700 000 (Семьсот тысяч) штук, номинальный стоимостью по 1000 (Одной тысяч сум. Всего на сумму 700 000 000,0 (Семьсот миллионов) сум.
- Именные привилегированные — в количестве 700 000 (Семьсот тысяч) штук, номинальной стоимостью по 1000 (Одной тысяче) сум, всего на сумму 700 000 000,0 (Семьсот миллионов) сум.

**3.** Другие вопросы.





## Мутолаа

**Андижон ижодий муҳитининг меваси Абдулла Комилни пойтахтлик қаламкашлар ўз тенгдошларидан бироз кечикиброқ бўй кўрсатган шоир сифатида билишади. Эҳтимол, тақдирига марказда яшаш ёзилганида у ҳам анчайин барваста ижодкор эканлигини ўз пайтида намоён қилиб улгурган бўлардими? Ҳай майли, бу энди Тақдир лавҳи...**

**Абдунаби БОЙҚЎЗИЕВ**

# «Ёстиқ тагидаги садарайҳон...»

Муҳими, шоир назм шайдолари юрагини тўлқинлантира оладиган қатор шеърлар билан ўз мухлислари доирасини тобора кенгайтириб боряпти. Шоирнинг энг кейинги шеърий тўплами "Таскин"ни (Янги аср авлоди, 2005) варақлаган ҳар бир шеърхон ана шундай хулосага келади.

Рисоладаги аксарият шеърлар муаллифнинг ўзига хос рангин, образли ибораларга ошуфта, ҳар бир сатрида идеал мусаффоликка интилувчи, гоҳо шод, гоҳида ношод, беором қалбини ҳис қилиб туради киши. Бу тасаввур мисрама-мисра ортиб, тиниқлашиб боради.

Абдулла аканинг шеърларида табиат гўзалликларига айрича ошиқ нигоҳи бор. "Ёмғир манзараси"ни мана у қандай тасвирлайди:

**Кумуш чўплар чала**
**бошлар ноғора,**
**Дераза ойнаси**
**ботади терга.**
**Анҳорда чўмилган**
**шўх болаларга**
**Ўхшайди япроқлар**
**қапишиб ерга.**

**Ер билан осмонни**
**туташтирувчи**
**Етти хил ранглардан**
**тикилади дор.**
**Томчида кўринур**
**қуёш кулгичи,**
**Оқ чойшаб ёпинган**
**тоғда кулар қор.**

Шоир табиат манзараларини эрка туйғуларига йўғириб, эркалатиб ифодалайди. Ўзи ҳам бу жараёнда эркаланиб, шу мунаввар борлиқнинг ёқимтой бир унсурига айланиб, одамлар кўзида қувонч бўлиб балқигиси келади. Шоир дилидаги бу орзулари эса мисраларда қуйидагича ифода топади:

**Қуёшнинг тафтидан**
**ҳарорат олган,**
**Оламни яшнатган**
**абри найсонман.**
**Келинлар кўнглига**
**эҳтирос солган**
**Ёстиқ тагидаги**
**садарайҳонман,**

— дея ғурурланади.

Муаллиф образ яратиш учун сўзларни беҳуда жилвалантириб, турли мақомларга солиб, букиб-бураб ўйнамайди. Ҳис-туйғуларини қандай бўлса, қоғозга шундайлигича тўкади. Шунданми, айрим битиклари бир қарашда жўн гаплар йиғиндисидай таассурот уйғотади. Аслида эса...

Келинг, шу ўринда шоирнинг «Дил изҳори» номли шеърини охирги тўртлигини олиб кўрайлик.

**Йиллар ўтаётир —**
**бардош гуллади,**
**Ўйларимиз интиқ**
**кутаётир тўй.**
**Агар рози бўлсанг,**
**сўз айтма, майли,**
**Деразангга оқ**
**рўмолинг илиб қўй.**

Хўш, бу тўртликнинг қадри, фазилати нимада? Йиллар ўтаётган, кимдир маъшуқасини кутаётган бўлса, нима қилибди? Кутган, кутилганлар камми, бу дунёда! Қиз рози бўлса, рўмолини деразага илиб қўйса бас: олам гулистон экан-ку! Шугина гапни шеър қилиш шартмиди?

Шарт эди. Нега?

Келинг, сатрлардаги шоир мақсад-муддаоси, яъни коса остидаги нимкосани англашга уриниб кўрайлик.

Бу ерда шоир қаҳрамонининг ҳаётимизда ўта танқисланиб бораётган, бизнинг ўша, миллий ўзимизга хослигимизни белгилаб турадиган нозик қадриятларимиздан бири шарқона ҳаёсини йўқотмаган қалби бор. Шарқона ҳаёнинг эса дунё халқларининг аксарияти учун бегона бўлган, фавқулодда бежирим, нафис оҳанграболи, шу билан бир пайтда ҳар қандай беандиша дахл туйғуси, хатти-ҳаракатни жиловлаб, тилини лол қилиб қўядиган муқаддас либоси бўлади.



Шоир қаҳрамони дилидаги гапини бугунги аксарият эстрада хонандалари тили билан, юз-хотирни йиғиштириб:

**Ойимқиз, тўйга**
**розимисиз?**
**Рози бўлсангиз чиқиб**
**айтинг тез!**

— қабилида яланғоч туйғу, бешарм эҳтирослар оғушида изҳор қилиши ҳам мумкин эди. Муаллифимизнинг қаҳрамони қалбида эса андиша бор. У кўз остига олиб юрган маҳбубаси кўчаларида, керак бўлса, бир умр тентирашга, зору нолон кезишга, пинҳон қоврилишга тайёр. У севгилисининг ҳам, ўзининг ҳам шаънига заррача бўлса-да доғ тушишини асло истамайди. Истамайдигина эмас, балки кейинчалик ҳам «суйишиб турмуш қуришган» деган гап сўзлар қолишидан ор қилади. Чунки бу сўзлар қачондир кимлардир тилида «улар юриб турмуш қуришган» деган шаклда талқин топиши ҳам мумкин-да! Буни қиз ҳам сезади. Икки қалб ўртасидаги ишқ алангаси эса шаръий анъаналаримиз йўл қўйган — изн берган кулминацион нуқтага етган. Интизор нигоҳлардаги фақат шу икки қалб соҳибигагина маълум бўлган сирли, айни пайтда оташин дил изҳорлари саробга айланиб, бир умрлик армонга дўниши ҳам мумкин.

Юқорида ҳар қандай нарсанинг ҳам интиҳоси, мақбул нуқтаси бор, дедик. Икки покиза қалб «бардошлари гуллади». Ундан у ёғи энди номақбуллик. Рози-ризолик сўраш йигитдан лозим. У шарм пардасини кўтармаган ҳолда қизга аҳд паёмини йўллайди. Дилдор энди ўша йигитгагина маълум бўлган ишора — «деразасига оқ рўмолини илиб қўйса, бас».

Бу севги пок, ҳаёли, иболи, андишали қалбларгагина насиб этадиган севгидир, албатта. Бугунги воқелигимизда эса ана шундай соф туйғуларга йўғрилган асарлар аксарият замондошларимиз тасаввурида экзотика, яъни ғалат ҳолат манзарасидан бошқа нарса эмас. Буни шоирнинг ўзи ҳам тушуниб, ҳис қилиб туради. Шунинг учун бўлса керак бир асарида:

**Ҳали ҳам тимсоллар**
**излаб эртакдан,**
**Юраман ўзимга**
**ўзим алданиб,**

— дея афсусланади.

Дунёда инсонлар дилига ранж-алам етказувчи, юрагига санчиқ бўлиб қадалувчи воқеа-ҳодиса, сиру синоатлар тўлиб ётибди. Ижодкор қалби эса уларнинг ҳеч бирига бефарқ қолмайди. Бундай хислат шоир сифатида Абдулла Комилга ҳам бегона эмас.

Абдулла Комил бир умр масъул лавозимларда (туман миқёсида) ишлаб ўтаётган ижодкорлар сирасига киради. Тўғри, у тилига сукутни посбон қилиб, замонасозлик мақомига йўрғалатиб қоғоз қоралаб, хотиржамгина яшаб юравериши мумкин эди. Йўқ, у бундай қилмади.

Бизда Абдулла Комиловнинг раҳбар сифатида ўз пайтида униб-ўсиб, яйраб-яшнаб кетмаслигига сабаб бўлган омил, ўша, унинг юраги тубидаги адолат ҳиссига танша ва ошно, ноҳақликлар қаршисидан бефарқ ўта билмайдиган, изтиробларини у ёки бу шаклда изҳор этмаса чидаб туролмайдиган беором қалби — уйғоқ виждони боис бўлса ҳам ажабмас, деган тасаввур ҳам йўқ эмас. Ҳай майли, бу ҳам энди Тақдир лавҳи.

Биз «Таскин»даги барча шеърлар ҳар жиҳатдан баркамол, деган фикрдан йироқмиз. Китобда бадиий жиҳатдан анчагина бўш, таҳрирталаб мисралар ҳам бор. Мисол учун, «Ҳазил исён» номли шеъридаги:

**Кетарда пичирлаб**
**дединг «Бу ҳазил».**
**Эл аро юради шундайин**
**аъмол:**
**«Ҳазилни тагида**
**маъно ётар зил»,**

— деган жумлаларни олайлик. Бу ўринда эътироз «аъмол» сўзи устидадир. Аъмол луғавий маънода иш, фаолиятни англатади. Шоир бу ўринда «Ҳазил, ҳазилнинг таги зил» мақолини бироз ўзгартириб фойдаланганини учунми уни мақол ёки матал дейишдан кўра аъмол сифатида баён этишни афзал билган кўринади.

Биз Абдулла аканинг сўз қадри, мазмун-манзиратини ниҳоятда нозик ҳис этишига ўзаро суҳбатларда кўп бор амин бўлганмиз. Қолаверса, бундай жузъий, икки-учта камчилик билан китобини қадри тушиб қолмайди. Бироқ гўзал боғда сайр қилган ҳар бир одам гулзорда бирорта бўлсин, сўлиган япроқни ҳам кўрмасам деркан.

**Андижон зиёлилари бу ажойиб инсонни бугун асосан қалби қайноқ, китоб кўрган, манбаа титган, «тархи-тари»ни яхши билувчи публицист, тарихчи, шоир сифатида танийди, қадрлашади. Гарчи ортидан бир умр амал қувган бўлса-да, илм, ижод жиловини ҳам қўлдан чиқармаган Абдулла Комилни дилкаш давралар, ижодий гуруҳлар, анжуманлар соғинади. Чунки унинг шахсини безаб турган нарса буғдой нони эмас, буғдой сўзи, десак хато бўлмас. Гарчи идора ишларида у (ҳозирги кунда туман «Пахтакор» газетаси муҳаррири) ҳукмфармо бўлса-да, «юмшоққўнгил қалам» қошида «хоксор жон» эканлигидан ифтихор туйиб яшайди.**

## Тафаккур

# Идеал

## усиз яшаб бўладими?

**Виктор АЛИМАСОВ,**
фалсафа фанлари доктори

**Ҳаётдан ва ўзидан ўзиш учун одам идеал қидиради. Ўзишни истамаган одам ўзига ўзи идеал бўлиб кўринади.**

***

Кишилар кўпинча идеални ўтмишдан қидирадилар, чунки тирик идеаллар ўзларининг қусурлари ва иллатларини ошкор қилади.

***

**Етиш мумкин бўлган идеал охирида ўкинч уйғотади.**

***

Ҳаётий идеал топмай туриб, ўзингдан ўзиш ақлдан осиш аломатидир. Бунга Нисше қисмати мисол.

***

**Тарих ширин ўй ва орзуларга бурканган идеаллар кўмилган қабристондир.**

***

Ҳаётий идеалига қараб киши руҳининг нимага муштоқлигини билса бўлади.

***

**Идеалимнинг ҳаётий мақсади менинг ҳам ҳаётий мақсадимдир. Лекин бу идеалимнинг қисмати, албатта, менинг ҳам қисматим бўлиши зарурлигини англатмайди.**

***

Умр бўйи бир идеалга интилган эмас, балки бутун умр идеаллар излаб яшаган менда ҳавас уйғотади.

***

**Одам қалби етадиган идеалга эмас, ета олмайдиган, аммо тинмай ўзига чорлайдиган идеалга талпинади.**

***

Фарзандларига идеал бўлган отани учратмадим; демак, гап ё оталарда ибратли фазилатларнинг камлигида, ё фарзандларда идеал излаш истагининг йўқлигида.

***

**Одамни иллатлардан халос қилмоқчимисиз, унга эзгуликка чорловчи идеаллар беринг!**

***

Ҳаётий идеалга қараб кишининг қандай тарбия кўрганини айтиб берса бўлади.

***

**Идеал сиғинишга эмас, яратиб яшашга ундаса, кишини иллатлардан халос этади.**

***

Идеал севги маъбудаси эмас, у гоҳо суйган кишингдан воз кечишни талаб қилиши мумкин.

***

**Идеал халос қилиши мумкин, хароб ҳам. Идеал танлаш ёстиқдош танлашдан оғир.**

***

Идеалда муқаддаслаштиришга арзигулик нимадир бор, акс ҳолда халқлар Рабни идеал билмасди.

***

**Агар тийнатини яхшиласа, одамнинг Яъжуж-Маъжужни идеал тутгани ҳам хафвли эмас.**

***

Идеалга топинмайдилар, идеалга талпинадилар.

***

**Аёл идеал қидирмайди, у "идеал"ларни туғади.**

Янги йилингиз



«ЧАҒОНИЁН»
газетаси жамоаси
юртдошларимиз ва ҳамкасбларимизни кириб келаётган Янги 2007 йил билан самимий қутлайди.

*«Ижтимоий ҳимоя йили»да сизларга бахт-саодат, тинчлик-хотиржамлик, ижодингизга барака, сиҳат-саломатлик ва ишларингизга улкан зафарлар тилаймиз!*



«ЧАҒОНИЁН» — Сизнинг газетангиз

Қутлуғ бўлсин

азиз юртдошлар!

Эҳтиром

**СЕНТЯБРЬ ойи охирлаб қолганига қарамай жазирама иссиқ авжида, саратон ҳали-вери ўрнини салқин куз ҳавосига бўшатиб бергиси йўққа ўхшарди.**

**Шундай дим, одам кўнглини лоҳас қилувчи рутубатли бир оқшом чоғи Чорсу майдони ўртасида туриб олган йўл назорати ходими қўлидаги ола таёқни шиддат билан силкитиб, машинамни тўхтатди.**

# Бир сурат тарихи

**Дадахон НУРИЙ**



Серқатнов йўлга ёндоштириб қўйилган махсус автобус "ҳушёрлик қўриқхонаси"нинг ланг очиқ орқа эшиклари рўпарасида уловдан тушдим. "Ҳа, ичганларнинг додини беришаётган экан-да, тўғри қилишади!" дедим-да, тартиб-интизомли ҳайдовчиларга хос итоаткорлик билан автобуснинг икки-уч поғонали темир зинасига оёғимни қўйиб, ичкарига бош суқушимни биламан, милиция кийимидаги бир бадқовоқ шиша найчани нақ даҳанимга тўғрилаб "пуфланг" деди.

"Пуф"лагандим, "найча"си қизғиш ранг тортиб қолди.

— Роса отибдилар-да. Қани юқорироққа! — эшик "оғаси" турқи-тароватига хос димоғдор оҳангда гапириб, хунук қараш қилди.

— Мен умуман ичмаганман! — дедим қатъият билан унга тикилиб.

— Ҳа, укам, сизга ўхшаганлардан ҳеч ким, ҳеч қачон "ичдим" деб бу "тахтиравон"га ўз оёғи билан кириб келмайди. Бу ерга келтирилади! Маст ҳолда транспортни бошқариш қандай бўлиши яхшилаб тушунтириб қўйилади. Қани, ҳов тўрда сизни кутиб қолишди, бора қолинг!

Машина салонининг ўриндиқлардан холи қилинган "йўлаги" адоғида тўрт кишига кўзим тушди. Иккитаси формада. Иккитаси оқ халатда бўлиб, столга кўкрагини тираганича менга лўққайиб қараб турарди. Формалилардан бирининг қўлидаги ручка ёзишга шай. Дарров сездимки, шу топда булардан бирор мурувват кутиш бефойда. "Хат"га тушгандан сўнг эса...

Беихтиёр кўз олдимда номи элга таниқли шоир, ён қўшнимиз гавдаланиб кетди. Бу милиция дегани уни ҳам аяб ўтирмаган... Ҳайдовчилик гувоҳномасини қайтариб олиш учун не-не идоралар, казо-казо кишилар ўртага тушмади. Охир "протокол тузиб қўйилган экан, афсус иложи йўқ, энди" деганларини ўз қулоғим билан эшитганман.

Ҳозирги "қалтис" ваъзиятда булардан қутулишнинг ягона бир йўли бор: "Ҳужжатларни олиб чиқаман", дейман-у, машинани варанглатиб икки чақиримча наридаги "Ҳувайдо" маҳалласи томон ҳайдайман. У ерда мен учун кўплаб кутилмаган тасодифий ҳолатларга "балогардон" Эркин ака яшайди. Бор гапни тушунтириб айтаман.

Ола таёқли милиция орқамдан чуруллатиб ҳуштак чалганича қолди, ҳартугул қувламади.

Яхши ҳам Эркин ака уйда эканлар...

Машҳур шоирнинг ташрифи муносабати биланми, бу "тахтиравон"га дамба-дам кўтарилиб, пуфлаб чиқиб кетаётган ҳайдовчилар сони камайди. Ҳатто йиғлагудай бўлиб ўзини оқлаётган "бешинчи қиз"нинг тўй ташвишлари билан юрган ўрта яшар бир кишининг гувоҳномаси қайтарилиб, "гуноҳи" кечиб юборилди.

Бадқовоқнинг чеҳраси ҳам анчагина очилиб қолганди.

Ниҳоят гурунг мавзуси асосий нуқтага келиб тақалди: Эркин ака бир четда қимтинибгина ўтирган каминага ишора қилиб деди:

— Бу укам, ҳаммамизнинг гувоҳлигимизда шишага "пуф"ласин. Агар чинданам ичгани аниқланса, бир йўла учта ҳайдовчилик "вазифа"сидан маҳрум қиламиз. Чунки шу кунларда ўзиники билан бирга Абдуллажон Орипов ҳамда менинг машинамни ҳам навбатма-навбат ҳайдаб юрибди. Лекин ёшлигидан биламан: шу кунгача шароб тугул бир қултум пиво ҳам ичмаган.

Ўша лаънати узун найча шишага пуфлагандим, не кўз билан кўрайки, унинг ичи қизғиш тортиб қолди.

— Э, бу қанақаси?! — деб юбордилар Эркин акам бир менга, бир атрофдагиларга қараб. — Келиб-келиб шундоқ иссиқ кунда-я! Неча стакан ичдингиз?



Бу сўз менга далда бўлди:

— Икки стакан. Туш пайти шу ердан ўта туриб, анави Кўкалдош мадрасаси қаршисида морс сотишаётган экан, ўшандан ичгандим.

— Э-ҳа, шундай демайсизми! — столга кафти билан бир уриб ўрнидан туриб кетди. Гап-сўзларидан Эркин ака шеъриятининг ўта мухлиси эканлиги билиниб турган милиция полковниги сўзида давом этди: — Ахир у нашвати мевасидан қилинган шарбат-ку. Ичиб олиб, бир соат қоринни офтобга тоблаб ётилса бас, у ёғи кайф! Демак, укамизнинг ичгани рост!..

Шундай қилиб, менинг ҳам "гуноҳ"имдан ўтилди. Фақат бир шарти билан: Эркин аканинг 50 ёшлиги (анча завқ-шавқли, шоиртабиат полковник яқинлашиб келаётган бу санани ҳам яхши биларкан) олдидан шаҳар ДАН бошқармаси ходимлари билан қизиқарли учрашув ташкиллаштиришни зиммамга юклашди.

Полковник (бошқарма бошлиғининг тарғибот ва ташвиқот ишлари бўйича ўринбосари экан) билан декабрь ойи ўрталарига белгиланган тадбирни ўтказишга қизғин тайёргарлик кўра бошладик.

Бир куни у киши катта мажлислар залининг тўрига шоир суратларидан бирини қўйсак, яхши бўларди, деб қолди.

Мен Эркин аканинг аввалдан "қоралаб" юрган чизги расмлари асосида "саҳнабоп" портрет ишлашга киришдим. Ва қарийб 2,5 х 1,5 метр катталикдаги бу сурат илк бор Тошкент шаҳар Давлат автомобил назорати ходимлари билан бўлган 1986 йилги "Шеърият кечаси"да кўпчилик назарига тушди.

Орадан роппа-роса ўн йил ўтгач, 1996 йили бу портрет Покистонда "Гора паблишарс" нашриёти томонидан урду тилига ўгирилиб босиб (таржимон Ансориддин Иброҳим) чиқарилган "Олтин девор" китобининг муаллиф иштирокидаги тақдимот тантанасида "Лаҳор адабиётчилар уйи"ни безади... Айни ўша кунлар Покистон маданият ва спорт ишлари вазирлиги шафелигида Марказий Осиё мамлакат-



ларидаги энг катта театр комплекси саналмиш "Ал-Ҳамро"да саҳналаштирилган машҳур ўзбек комедиясининг бир неча кунлик премьераси давомида ҳам шоиримиз портрети кўпчилик томошабинлар назарида турди. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Эркин Воҳидовнинг "Олтин девор" комедияси мустақиллигимиздан сўнг илк бор хориж саҳнасида қўйилган асардир.

Ҳозир ўша портрет қаерда деб қизиқувчиларга шуни айтишим мумкинки, у Исломободдаги "Лог вирса" — "Халқ Маданият Маркази"нинг "Арт ҳолл" галареясида сақланмоқда.

Фикр

# Халқ оғзаки ижодида журналистика

**Нодира ВАҲОБОВА,**
ЎзМУ журналистика факультети талабаси



**Ҳ**ар бир халқ, ҳар бир миллатнинг неча асрлар давомида шаклланиб келаётган этнографик қадриятлари мавжудки, улар ана шу миллат қиёфасини белгилаб беради. Оғзаки ижод намуналари, қадимги халқ эпослари муайян бир халқ ёки қавм ижтимоий ҳаётидан сўзловчи муҳим манба саналади. Бундай бадиий лавҳаларга мифлар, асотирлар ва астрологик бадиий ижод, қиссагўйлик ва ҳакозоларни киритишимиз мумкин.

Халқимизнинг кўҳна ҳаётидан, урф-одатларидан сўзловчи бундай бадиий намуналаримиз ўзининг сатирик, киноя ва, албатта, инсон характерини очиб бериши билан ажралиб туради.

Халқ оғзаки ижоди асарлари азалдан оғиздан-оғизга ўтиб келган маънавий меросимизнинг ёрқин намуналаридан бири бўлиб, унда эл-улуснинг қаҳрамонлиги, севги-муҳаббат, Ватанга садоқат ва меҳр руҳи билан суғорилган мавзулар қамраб олинган. Томчи зарраларининг офтоб нурида товланиши натижасида пайдо бўлаётган камалак жилолари сингари ранг-баранг бўлган ушбу жанр халқ достончилиги мисолида кўз ўнгимизда янада ёрқинроқ намоён бўлади. Айнан бахшичилик санъати туфайли Алпомиш, Гўрўғли, Кунтуғмиш сингари ўнлаб достонларимиз халқ маънавий мероси тафаккурининг инъикоси сифатида бугунги кунгача етиб келган. Достонлар айтилиши билан улар бутун тингловчиларнинг дардини олган. Улар халқимизнинг ахлоқий, фалсафий, диний қарашларини, урф-одатларини ифодалаган ўтмиш ёдномасидир. Ўтган асрнинг 20-йилларига қадар бу жанр фақатгина бахшиларнинг дўмбираси жўрлигида ижро этилиб келинган. Сўнгра Музайяна Алавия, Ходи Зарипов, Ҳамид Олимжон сингари адабиётимизнинг йирик намояндалари бахшиларимиз билан бақамти туриб, улар оғзидан ушбу достонларни ёзиб олганлар ва китоб ҳолига келтирганлар.

**Ж**урналист халқ достонлари мавзусида мақоллар ёзиши, лавҳалар ва радиоэшиттиришлар тайёрлаши билан йўқолиб кетаётган миллий қадрият, расм-русум ва урф-одатларимизни етказишда асосий воситачи ҳисобланади. Эртак, латифа ва аскиялар ҳам халқ билимдонлиги ва зукколигини ўзида ифодалаган жанрлар ҳисобланади. Аския журналист учун миллий тилнинг чексиз бойлигини тасаввур қилишда жуда муҳим маълумот беради. Аския ва латифадан ташқари достон ва эртак ҳам назмда, ҳам насрда кенг оммага етказиб келинган.

**Х**алқ оғзаки ижоди, мақоллар, лапарлар, умуман қадимги халқ эпослари, достончилиги, бахшичилик санъати намуналарида, албатта, журналистиканинг жузъий кўринишлари ўз ифодасини топган. Масалан, ушбу қўшиқлар орқали аждодларимиз этнографик ҳаёти, урф-одатлари, кайфияти, ижтимоий-маиший ҳаётининг аҳволи ҳақида метафораларда, образларда бизгача информация, яъни маълумот етиб келади. Нафақат бизнинг давримизда, балки ўша даврларда ҳам одамлар жамиятга ўз муносабатини, рози ва норозилигини, орзу-умидларини қўшиқларда билдиришга ҳаракат қилган ва бир-бирлари билан шу тариқа ахборот алмашишган.


Акциядорлик тижорат
ПАХТА БАНК




барча акциядор ва мижозларини, мамлакатимизнинг барча фуқароларини Қурбон ҳайити ва кириб келаётган 2007 йил билан самимий муборакбод этади.



Янги йилда хонадонингиздан тинчлик-хотиржамлик, фаровонлик, дастурхонингиздан қут-барака аримасин.

Юртимизда тинчлик ва осойишталик доимо ҳукмрон бўлсин!

Салом янги йил

Самарқанд тижорат коллежи жамоаси

юртдошларимизни Янги 2007 йил билан самимий табриклайди!

Янги йил ҳам Мустақил Ватанимиз учун муваффақиятлар ва юксалишлар йили бўлсин!

Фарғона ўрта тиббиёт ходимлари малакасини ошириш билим даргоҳи

Мустақил Ўзбекистонимизнинг бунёдкор халқини, барча касбдош дўстларини ҳамда «Hurriyat» газетасининг ижодий жамоасини кириб келаётган 2007 йил билан қизғин қутлайди.

*Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, бахту саодат, омад ва хуш кайфият йўлдош бўлсин.*

ННТ........::::::::::

**Танлов номи илк бор эшитган одамга бироз эриш туюлади. Келажакдан ҳам овоз келар эканми, деб ўйлашингиз мумкин. Аммо “Келажак овози” мега-танловининг гувоҳи бўлгач, ўзингиз ҳам бу овозни эшитгандек бўласиз. Юртимизнинг эртаси ёшлар томонидан акс эттирилиб, шунчаки башорат қилиб эмас, порлоқ келажак учун режалар тузиб, улар ҳар томонлама исботлаб берилган келажакнинг жўшқин овози дилларингизни яйратади. Келажак бу – ёшлар. Ёшлардаги истеъдод ҳаёт йўлларида бардавомликни таъминлайди. Истеъдодни қўллаб-кувватлаш, ривожлантириш ва рағбатлантириш истеъдод умрини янада узайтиририши мумкин.**

# Келажакдан таралган овоз

**Дурдона АЛИМОВА**



Ўзбекистон ёшларининг “Келажак овози” республика танловини тайёрлаш ва ўтказиш бўйича жамоатчилик кенгаши раиси Гулнора Каримова бўлиб, кенгаш таркибидан турли соҳанинг етук мутахассислари, масалан, Олий ва ўрта махсус таълим вазири Р.Қосимов, Журналистлар ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов, Халқ рассоми Акмал Нур, шунингдек, “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармасининг ижро этувчи директори Б.Шарофов ва “Камолот” ЁИҲ марказий кенгаши раиси А.Алимов ва бошқалар ўрин олган.

Танлов уч босқичда ўтказилди: вилоятда саралаш, Тошкентда Республика босқичи ва финал. Саралаш босқичида 280 нафар иштирокчи ғолиб деб топилди ва Республика босқичига йўлланма олди. Ташкилотлар рағбатлантиришни шу ерданоқ бошлаб юбориб, Республика босқичида қатнашиш имкониятини қўлга киритганларни компьютер жамланмалари, DVD-плеер ва бошқа қимматбаҳо совғалар ҳамда сертификатлар билан тақдирлашди. Аввал ҳам хабар берганимиздек, танлов 6 номинация ва номинациялар таркибида йўналишлардан иборат. Республика босқичида ёшлар ўз ижодларини намойиш этдилар ҳамда лойиҳа ва таклифлар орқали келажакдаги режалари билан ўртоқлашдилар. Масалан, “Ижтимоий лойиҳалар ва бизнес режа” номинацияси иштирокчилари ўз ҳудудларида кутубхона, FM радио, ёшлар учун клуб ва марказлар ташкил этиш, интернетда сайт яратиш, ёшларни иш билан таъминлаш масалалари бўйича тузилган лойиҳалар билан иштирок этдилар.

— “Ўзбекистонда миллий ўйинчоқларни ишлаб чиқариш” лойиҳаси билан қатнашяпман, – дейди иштирокчилардан бири Малоҳат Эрхонова. — Ишимни молиялаштириб беришни зиммаларига олишди. Бундан ташқари танлов кўпгина ғояларимни ҳаётга татбиқ этиш ва амалга оширишга ёрдам берди. Иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастурида ғолибликни қўлга киритганим ўзимда ишонч уйғотган ва “Келажак овози”да ҳам қатнашишга ундаган.

Танлов ёшлар учун ўзаро фикр алмашиш ва янги ғоялар ўйлаб топиш учун қулай майдон вазифасини ҳам ўтади. Турли жойлардан келган мингга яқин ёшлар тенгдошларининг интилишларини кузата олдилар ва танлов ҳақида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирдилар. Мисол учун, ўтган йилги танловдан сўнг янги “Рационализаторлик техник лойиҳалар ва ишланмалар” номинацияси киритилди. Бу йилги натижаларга кўра, “Бадиий ижод” номинацияси энг кўп иштирокчи тўплашга муваффақ бўлди, шунингдек, республикага йўлланма олганлар ва финалда ғолиб чиққанларнинг аксарияти ҳам шу номинация иштирокчиларидандир.

Ғолибларни тақдирлаш анъанага кўра “Халқлар дўстлиги” саройида ўтказилди. Тадбир аввалида “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси васийлик кенгаши раиси Гулнора Каримова сўзга чиқиб, “Келажак овози” мега-танловининг бундан кейин ҳам йилдан йилга ривожланиб бориши ва ёшлардаги ўзига ишонч туйғусини шакллантиришда ёрдам беражагини, ғолибликка муваффақ бўлмаган ёшлар ҳам шу маррага етиб келгунча истеъдодини кўрсата олгани ва мақсадига эришганини таъкидлади. Ғолибларни эълон қилиш ва тақдирлаш гала-концерт тарзида давом этди. Ғолиблар “Келажак овози – 2006” ғолиби дипломи ва танлов рамзи туширилган мукофот билан тақдирландилар. Иштирокчидан ғолибга айланган ёшларнинг ҳаяжон билан айтган сўзлари қуйидагича бўлди:

**Назира Боймуродова** *(Жиззах вилояти):* — Барчасидан ҳам менга билдирилган эътибордан мамнунман. “Бадиий ижод” номинациясида журналистика йўналиши бўйича иштирок этган эканман, шу соҳадан келиб чиқиб миллат дардига ўз сўзим билан малҳам бўлмоқчиман. Айни пайтдаги мақсадим тенгдошларим истеъдодини ҳам юзага чиқариш. Менга ёрдам кўрсатганларидек, ўзим ҳам бошқаларга ёрдам қўлини чўзмоқчиман.

**Гулнора Нуримбетова** (*Қорақалпоғистон Республикаси*): — Очиғи, танлов бу даражада ўтади деб ўйламагандим. Асосийси, ўзбек ёшлари ҳар соҳада шижоат кўрсата олишлари учун туртки беришди. Бу танловга ўтган йили ҳам қатнашган, фақат Республика босқичига йўлланма ололмаган эдим. Ҳозирги ғолиблик келгуси ишларим учун қувват бағишлагандай бўлди. Тўплаган билимларим эса келажакдаги илмий ишларимда ҳам асқотади деб ўйлайман.

**Бобур Дадамуҳаммедов** *(Тошкент шаҳри):* — Ҳаммаси ўтган йилги ғолибларга ҳавасдан бошланди. Бу йил заргарлик ишларим билан қатнашиб, ўзимни синаб кўрмоқчи бўлдим. Лекин ғолибликка эришиш осон бўлмади, катта йўлларни босиб ўтишга, кўп ишлар қилишга тўғри келди. Нафақат тақдирлаш, балки синовга руҳан тайёрлашганининг ўзи катта совға. Кейинги режаларим анъанавий заргарликни замонавий ҳунар билан уйғунлаштириш ва уни оммага татбиқ этиш.

Муваффақиятдан қалби қувончга тўлган ёшларда ўз жойларига қайтиш, хурсандчиликни яқинлари ила баҳам кўриш саодати билан бирга елкаларида буюк масъулият ҳам турибди. Энди улар учун ўз ижодларини чин маънода амалга ошириш масаласи юзага чиқди. Аммо бу борада ҳам улар ёлғиз эмаслар. Ташкилотлар ёшларнинг ижодий ва илмий ишларини қўллаб-қувватлашда қўшимча имкониятлар яратиб беради. Улар ўз мутахассисликлари ва йўналишлари бўйича пойтахтда малака оширишлари мумкин.

**Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг моддий ва техникавий кўмагида тайёрланди.** ***Лойиҳа: “Фуқаролик жамиятини шакллантириш, аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ННТнинг ўрни”.***

Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳри педагогика коллежи жамоаси

ҳамюртларимизни Янги йил байрами билан қутлайди

Янги 2007 йилда ҳам Мустақил Ўзбекистонимизда эл-юрт фаровонлиги йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар бардавом бўлсин.

Байрам муборак, азизлар!

Ҳазил

# Энг, энг, энг

*Буни қаранки, ана-мана деб газетамиз ўн ёшга кириб қўйибди. Ўтган ўн йил ичида шодумон кунлар ҳам, андак таъби хираликлар ҳам бўлгани рост. Аммо нима бўлганда ҳам, "Ҳуррият" номини оқлашга интилди ва бундан кейин ҳам принципларига содиқ қолиши шубҳасиз. Ўтган давр ичида газета шаклланди, ўқувчисини топа билди, муаммою камчиликларни ўз номи билан аташни канда қилмади. Тўғри, баъзида ҳис-ҳаяжонимиз қирғоғидан тошган пайтлар ҳам бўлди, баъзан эса бир оз узлатга чекинмаклик йўлини тутишга ҳам тўғри келди. Тан олиш керак, баъзида кимгадир жиндек ён босишга мажбур бўлдик, баъзида кимнингдир пўстагини қоқдик. Гапирсанг гап кўп. Аммо бугун байрам сонимизда ўтган ўн йилликка тўла баҳо беришга ожизмиз. Аслида, нимаики иш қилган бўлсак муштарийларимизга аён. Мақолаларимиз, таҳлил ва танқидларимиздан ўзлари хулоса чиқарган бўлишлари керак. Бугун ўтиб бораётган 2006 йилда газетамизда иштирок этган муаллифларимизни ярим жиддий, ярим ҳазиломуз яна бир бор эътироф этмакни ўйладик. Шундай қилиб...*

**2006 йилдаги:**

! Энг муаммоли ижтимоий масалани "Водийга автобус қўйиш вақти келди" мақоласида ёритган муаллифимиз **Зухриддин Исомиддинов**га Қамчиқ довонидан истаган пайтида, истаган такси ёки машинасида (йўл кира, энди у кишининг келишишларига боғлиқ) ўтиши учун муҳр босилган сафар гувоҳномаси ва таҳририятга кириб-чиқишга рухсатнома;

! "Қўшиқчиликми ё лўттивозлик?.." мақоласида замонавий қўшиқчилик ва репперларнинг "қитиқ патига" тегиб қўйгани учун муаллиф **Алижон Эшбой**га боксчилар қўлқопи ва ҳимоя шлеми;

! Анчайин дадил, икир-чикирларигача синчиклаб ўрганилган материаллари билан иштирок этган муаллифимиз **Аннамурод Жумақулиев**га лупа, учи чархланган авторучка ва ...

! "Серпушт товуқлар ёки палағда дарслар" мақоласи учун сурхондарёлик муаллифимиз **Норқувват Тўраев**га бир жуфт жайдари товуқ ва битта дакан хўроз;

! Йил давомида Зарафшон воҳаси (Самарқанд, Навоий вилоятлари)ни бошидан оёқ кезиб, ҳали у ердан, ҳали бу ердан мақола ва хабарлар йўллаб турган мухбиримиз **Убайдулло Хўжаниёзов**га бир жуфт калиш ва махси мукофоти;

! "Соғлиқни сақлаш: бугун ва эртага" мақоласида кўтарилган муаммо, мулоҳаза ва таклифлари учун муаллиф **Шодиёр Даврон**га оқ халат, фонондоскоп ва бир жуфт дўхтирлар қўлқопи;

! Бугунги ўзбек кинематографияси муаммолари ва ютуқлари борасидаги туркум мақола ва мулоҳазалари учун домла **Ҳамидулла Акбаров**га республиканинг истаган кинотомошахонасига (чипта пулини тўлашни таҳририят зиммасига олмайди, бунинг устига шу арзимас нарсани гапириш энди уят, ўзи) киришга ҳақлари борлигини тасдиқловчи ҳужжат (муҳриям бор);

! Ҳажвий чиқиш ва мақолалари учун **Абдуғани Абдувалиев**га бронзадан қуйилган бир қарич тил;

! Тиниб-тинчимас жамоатчи мухбиримиз **Дурдона Алимова**га метрода бепул юриш ҳуқуқини берадиган йиллик йўл чиптаси;

! "Унутилган ҳудуд" мақоласи учун мухбиримиз **С.Камолов**га синчковлиги учун Тошкент шаҳар ҳудудий харитаси ва ободонлаштириш бошқармаси раҳбарларининг аниқ телефонлари (уй ва мобил рақамлари ҳам бор) ёзилган дафтар;

! Реклама ишлари билан доим елиб-югуриб юрадиган **Ислом Султонов**га республикамизнинг исталган ёқилғи қуйиш шахобчасидан машинасига бензин олиш учун йўлланма (пули ўзидан) берилади.

*Бу руйхатни яна давом эттириш мумкин эди. Қарасак, йиққан антиқа мукофотларимиз тамом бўлаёзибди. Янаги йилга ҳам озгина қолсин деб шу ерда тўхтата қолдик. 2007 йилда кўришгунча...*

Суҳбат

**Профессор Ҳамидулла Акбаров билан санъат ва маданият, мусиқа ва адабиёт тўғрисида дилдан гаплашиш истагида эдим. Имкон туғилди-ю, кино ва санъат масалаларига оид асарлари, беҳисоб мақолалари, телевидение, радиодаги мунтазам чиқишлари билан жамоатчиликка яхши таниш олимга ўзимни қизиқтирган бир неча саволлар билан мурожаат этдим.**

Суҳбатдош:
**Шоҳида ЭШОНБОБОЕВА**

# Юракдаги гаплар



***— Сиз жуда кўп ижодкорларнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиб, илмий мулоҳазалрингизни рисолалар, мақола ва китоблар орқали кенг жамоатчиликка маълум қилгансиз. Лекин, назаримда, кинорежиссёр Наби Ғаниевга нисбатан меҳрингиз бўлакча кўринади. Бунинг боиси унинг "Тоҳир ва Зуҳра" шоҳ асарини яратганидагина бўлмаса керак?***

— Наби Ғаниев бирорта тадқиқотчининг илмий ишига, ўзгача меҳрига муҳтож бўлмаган ижодкор эди. У ўз-ўзига фильмлари билан ҳайкал қўйиб кетган режиссёр. Мен бу инсон билан, афсуски, учрашмаганман. Аммо излаш, ўрганиш натижасида ва ҳамкасблари, шогирдлари билан суҳбатлашиб Наби Ғаниевни ўзим учун кўп марта кашф этганман. Туҳматлар билан қамалган режиссёр, оқланганидан кейин қамалишига сабабчи бўлган кишиларнинг бирига устозлик қилгани, иккинчисини иш билан таъминлагани, учинчисига фильмларида суратга тушиши учун роль бергани мени ҳайратга солади. Йиллар давомида НКВДнинг тазйиқи остида бўлганлигига қарамай, ажойиб ўзбек фильмларининг яратилишига сабабчи бўлган, севгининг қадрига етган севги куйчиси ҳақида гапиришга ўзимда табиий эҳтиёж сезганман. Шунинг учун ҳам Наби Ғаниев ҳақида учта ҳужжатли фильмнинг сценарийсини ёздим ва бу асарлар экран юзини кўришига ҳаракат қилдим...

***— Ўзбек киносининг тадқиқотчиси сифатида ҳозирги ижодий амалиётга четдан назар ташлаб баҳолай оласизми? Миллий экран санъати ҳозир қай аҳволда, сизнингча?***

— Ижоднинг бу соҳасига четдан назар ташлаш оғирроқ бўлар. Ўзим ҳам шу жараёнда сценарийлар ёзиб, муҳаррир сифатида ишлаб, фильмларни муттасил кўриб бориб, таҳлил қилиб иштирок этаётгандекман. Лекин бугунги кинони кечагиси билан қиёс қилмай туриб, бу соҳанинг умумий панорамасини тасаввур этмай туриб амалиёт билан ҳам, назария билан ҳам шуғулланиб бўлмайди. Кино соҳасидаги сиёсатни оқилона деб биламан. Ижод жараёнига суқулиб кириш, у ёки бу мавзудаги фильмларни тақиқлаш ҳоллари эндиликда учрамаяпти. Фильм ишлаб чиқариш учун Давлат бюджетидан катта пул ажратиш, кино майдонини тобора кенгайтириб бориш, ёшларга ишонч билдириш — булар кимни қувонтирмайди, дейсиз! Шу билан бирга мустақиллик йиллари яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиш йўлларини излаш ҳақида ўйлаш зарур кўринади. Чунончи, нега заиф сценарийлар ишлаб чиқаришга туширилади? Бўш сценарий бақувват киноасарга айланмаслигини кино аҳли яхши билади-ку! Нега хусусий ва давлат студияларининг маҳсулоти бир-биридан бадиийлик жиҳатдан шунчалик фарқ қилади? Режиссёрлик даъвосида юрганларнинг махсус тайёргарлиги бўлмай туриб, экран орқали миллионлар билан учрашишларига нега барҳам берилмайди? Нега бизда хориж фильмлари ўзимизнинг киномаҳсулотга қараганда машҳурроқ? Юртимиздагина эмас, хорижда ҳам ўзбек фильмларини кенг намойиш этиш зарур эмасми? "Воиз", "Қор қўйнида лола", "Орзу ортида", "Ёлғиз ёдгорим" каби асарларнинг фақат эстетик вазифаларинигина эмас, маърифий, ижтимоий аҳамиятини назарда тутиб кенг миқёсдаги кинокўрикларни ташкил этиш керакмикин?.. Бу хусусда фикр юритилганда, Тошкент халқаро кинофестивалини тиклаш ва мунтазам равишда пойтахтимизда, Чимёнда, Самарқандда, Бухоро ва Хивада ўтказиб туриш ҳам ижодий, ҳам кино тадбиркорлик масалаларини ҳал этишга ёрдам бериши муқаррар эканлигини айтиб ўтардим.

***— ТВнинг назарияси билан шуғулланиб, амалиётда бевосита иштирок этиб, телевидение ҳақида қандай фикрдасиз? ТВнинг қайси жиҳатлари сизга маъқул? Кўнглингиз тўлмаган пайтлар ҳам бўладими?***

— Ҳаёт қандай бўлса телевидение ҳам шундай бўлади. ТВ дастурининг савияси электрон техникага, ташкилий масалалар ҳал этилишига боғлиқ, албатта. Лекин биринчи навбатда ижодкорларнинг маданий савиясига, билимининг чуқурлигига, телевидениеда — сценарий устахонасида, камера объективи олдида, монтаж хонасида, овоз воситаларини ёзишда — ижод эта олишига боғлиқ. Бундай талабларга жавоб берадиган режиссёрлар, муҳаррирлар, олиб борувчилар, операторлар кўп дея олмайман, ҳозирча. ТВнинг алифбосини билмайдиганлар ҳам бор. Шу боис кимлардир ихтиро қилган ҳамда қўллланаверив сийқаси чиқиб кетган шакллардан фойдаланиш одат тусига кириб қолди. Шунинг учун ҳам теледастурнинг динамикаси фақат унинг ҳажмига боғлиқ, деб тушунадиганлар кўрсатувлар неча дақиқа давом этишини белгилашда монтаж жумлалари, сюжет ихчам бўлишига, турли йирикликдаги кадрлар тез-тез алмашиниб туришига аҳамият берадилар. Ваҳоланки, бу талабни "Катта ашула"га, "Муножот"га, "Тоҳир Зуҳра"га, мақом куйларининг телеэкран талқинига (бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин) татбиқ этиб бўлмайди. Мен "Давр", "Ахборот" изланишда бўлишидан мамнун бўлган ҳолда санъатга бағишланган кўрсатувлар, ТВнинг бадиий маҳсулоти — сценарийлари мукаммал ёзилиши ҳамда малакали режиссура билан бойишини истардим.

***— Инсон чўққиларга интилишидан олдин ҳар доим ҳам ўз имкониятларини инобатга олмайди. Айтишадику, альпинист билан ҳавойи ҳаваскорнинг ўртасида ер билан осмонча фарқ бор, деб. Олим бўламан деб юрган шогирдларингизга етук мутахассис бўлишлари учун қандай маслаҳатлар берган бўлардингиз?***

— Биласизми, актёр ёки қўшиқчи бўлишни орзу қилган ёшларга "Сен бошқа соҳани танлагин, сенда мусиқа, санъатга муҳаббат бор-у, иқтидоринг етарли эмас", деб айтиш мумкин. Олим бўлиш иштиёқида юрган инсонга эса бундай дейилмайди, менимча. Чунки олимлик йиллар давомида шаклланиб боради, кўп меҳнат талаб этилади. Фақат ақл-заковат, истеъдоднинг ўзи камлик қилади. Яна шуниси ҳам борки, қайсар одам ҳаётда қийналади, аммо илмда қайсарлик муҳим ҳисобланади. Қайсарлик илмий гипотезани асослаб бериш учун зарур. Нотўғри бўлса ҳам, фикрда собит турган ёш олимга эътибор берилса, илмда бирор натижага эришиши мумкин. Кейин, илмнинг бирор соҳаси билан чегараланиб бўлмайди, деб ўйлайман. Санъатшунос, адабиётшунос бўладими, киношунос, филологми мусиқа, адабиёт, театр, архитектура, тасвирий санъат — буларни яхши билиш, тарихини ўрганиш керак, менимча. Билим етук мутахассис учун халақит бермайди, фақатгина ёрдам беради. Масалан, Эйнштейн буюк физик бўлганлигини ҳаммамиз биламиз. Лекин у жуда яхши скрипка ҳам чалган. Кимдан ўргангансан, деб сўрашганида Достоевскийдан, деб жавоб берган. Ёки кинорежиссёр Эйзенштейн жаҳон адабиётини яхши билганлигини олинг. Фирдавсийнинг "Шоҳномаси"ни болалигидаёқ ўқиб, қаттиқ таъсирланган. "Характеримнинг шаклланишида форс афсонасининг ўрни катта", деб айтган. Олимликнинг муҳим омили — билим ва дунёқарашнинг кенглигида, менимча.

***— Ҳамидулла ака, сиз кўп юрт кезгансиз. Баъзи ўлкаларда бирор бир тарихий ҳодисаларга аталган ёдгорликлар беҳисоблигига аҳамият берганмисиз? Наҳотки бизда ҳам ана шундай эъзозланишга, қадрланишга арзигулик жойлар, ҳодисалар бўлмаган?***

— Нега энди. Бизнинг яқин тарихимизнинг ўзида қанчадан қанча унутилиши мумкин бўлмаган воқеалар, йўқолиб кетмаслиги шарт бўлган жойлар бор. Юнусобод туманида Шаҳидлар хотирасига атаб яратилган сайилгоҳ ҳам ана шундай қадамжолардан бири. Чунки бу ер яқинида қанчадан қанча ватандошларимиз отиб юборилган. Мана шу жой Мустақиллик даврига келиб ободонлаштирилди... Эшитган бўлсангиз керак, Брюсселдан тахминан 10 км нарироқда Ватерлоо деган жой бор. Айнан шу ерда Наполеон тор-мор этилган, жуда кўп ёшлар нобуд бўлган. Бу бир километрча келадиган очиқ майдоннинг атрофи дарахтлар билан табиий ўраб қўйилган. Ҳар йили бу жойни ҳайдаб қўйишади. Лекин ҳайратланарлиси бу эмас. Биласизми, ўша Наполеон енгилган урушдан кейин бу жойни ерлик аҳолининг ўзи ёдгорлик сифатида асраб авайлаган экан. Қаранг, у вақтда эркаклар қирилиб кетганлиги сабабли аёллар, ёш болалар узоқ-узоқлардан тупроқ олиб келиб, текисликни айлана шаклида кўтаришган. Кейинчалик 200 дан ортиқ зинапоя билан кўтариладиган сунъий тепаликнинг чўққисига мардлик, куч-қудрат рамзи бўлмиш арслоннинг тасвири туширилган пўлат комплексни ўрнатиб қўйишган. Бизда ҳам, масалан, Дукчи эшон қўзғалони бўлиб ўтган ерни аниқлаш, ўша жойни абадийлаштириш мумкин-ку. Ёки миллий киномизнинг шоҳ асари "Тоҳир ва Зуҳра" суратга олинган Тошкентнинг Анҳор бўйида қад кўтариб турган сарвқомат чинор ва унинг атрофига эстетик шакл бериб, ёш келин-куёвлар зиёрат қиладиган жойга айлантириш мумкин. Ахир, Тоҳир ва Зуҳра соф муҳаббат рамзи сифатида тан олинган-ку!

***— Домла, мулоҳазаларингиз қизиқарли. Лекин бугун кўпроқ иқтисодий муаммоларини бартараф этиш билан банд, адабиёт ва санъатдан бир оз узоқлашиб қолган ёшларимиз бу фикрга қандай қараркин?***

— Албатта, ҳаммаёғини занжирлар билан ўраб, "Бу ерда "Тоҳир ва Зуҳра" кинофильми суратга олинган" деб ёрлиқ осиб қўйиш билан чекланилса, ҳеч ким унга эътибор бермайди. Лекин бу фильм нафақат севги, балки гўзаллик рамзи сифатида ҳам муқаддаслигини намойиш эта олинса, қандайдир эстетик йўллари топилса, ёшлар албатта келишади. Чунки гўзаллик инкор этилмайди деб ўйлайман. Ахир халқимиз ўзининг эстетик идеалларини амалий санъат намуналари, архитектураси, мумтоз шеърияти, мусиқаси билан яратган халқдир. Фикримча, ёшликдан санъатни, гўзалликни кўриб ўсган одам эстетик дидини ҳам шакллантириб боради.

***— Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур.***

Назм



**Ямин ҚУРБОН**

## Бормиш ортда одам

У билан, о, кесишма занжир,
Қиладир нақ дўл урган анжир.
Сув тутибди қайда қай ғалвир,
Оғзидан-е май иси анқир,
Дерлар: бормиш ортда одами.

*Нақорат:*
Яхшини эл хушлайди ҳар вақт,
Ёмонгадир нафрати қат-қат.

Одами зўр ўринда, дерлар,
Давраларнинг тўринда, дерлар.
Хизматдамиш не-не алп эрлар,
Измидамиш талай карт ерлар,
Дерлар: бормиш ортда одами.

Яхшини эл хушлайди ҳар вақт,
Ёмонгадир нафрати қат-қат.

У бир дарахт, илдизи узун,
Нафаси нақ чўлдаги қуюн.
Бордир унда атвори қузғун,
Имоними этилмиш сургун.
Дерлар: бормиш ортда одами.

Яхшини эл хушлайди ҳар вақт,
Ёмонгадир нафрати қат-қат.

Тутадир у ўзини там-там.
Шарми йўққа ҳар куни байрам.
Бетидадир ошланмаган чарм.
Муз қилиқлар эрур унда жам.
Дерлар: бормиш ортда одами.

Яхшини эл хушлайди ҳар вақт,
Ёмонгадир нафрати қат-қат.

## Қишланма кўп

Укагинам, асовланма, ўпкани бос,
Қишланма кўп, тута билгин ўзингни ёз.
Ғавғо қилур бўйнин чўзиб мастланса ғоз,
Юк тортилмас шайини занг босса тароз.
Ҳа,
Амалингни ҳадеб орқа қилаверма!

Фарзингни соз адо этмак вазифангдир.
Сенингдек ҳол кечиргай ким ичса чағир.
Қизимаса тандир қайда тутмиш хамир.
Ширин сен-у, ўзгалармни бўлди тахир.
Ҳа,
Амалингни ҳадеб орқа қилаверма!

Ювошланиб иш тутадир аҳли ҳаё,
Шовқин солмай оққанидек азим дарё.
Тўзимас бот арқоғи зич, пухта мато
Эвин топган чиқаради тошдан садо.
Ҳа,
Амалингга ҳадеб орқа қилаверма!

Хуш кўрадир амал ҳардам хушжиловни.
Хушжиловлар ром этадир ҳатто ёвни.
Миқти бўлса митти агар, йиқар довни,
Унгай боғбон ерга суқса қоқ косовни.
Ҳа,
Амалингни ҳадеб орқа қилаверма!



**Анвар Обиджонга**

*Иккиликлар ёзганимда иккиланиб
Кимни устоз атамоқни олдим таниб.
Бир зот шеърим тан олмасдан деган саёз,
Бири: расм чиз-у, жўқи шеърни кам ёз!*

*"ЎзАС"имда "Кулкул" бўлган акам Анвар,
Ёзганидан анқиб турар мушку анбар.
Хушомадга ўтдим энди эсим озиб,
Китобимга ширин тақриз беринг ёзиб!*



**Салим Ашурга**

*Туркистоним шеъриятинг камолоти,
Салимжоннинг нимжон эмас асло оти.
Муҳаррирлар аро шоир, деса бири,
Баъзилар дер: шоирларнинг муҳаррири.*

*Дастхати бор китобидан кўнглимда "Дарз",
Муқовасин безатмоққа у энди қарз.
Майли, кимдир модернидан манглай қашур,
Бу биз билган камтар инсон — Салим Ашур!*



**Маҳкамбой Умаровга**

*Қишлоғимни ўз тилида атар овул,
Қува олмас биздан уни бўрон довул!
Эрта тонгдан дўмбирадан куйлар "сепа"
Бошлаганда уйғонади Товкаттепа.*

*Қардош халқлар орасида Маҳкам кўприк,
Кўксига мушт уриб сира сочмас кўпик.
Юртимизда бахшиларнинг оқини ул,
Куйласа ўз шохидан жой берар булбул!*



**Маҳмуд Эшонкуловга**

*Ҳажвий расм чизган рассом эмас ношуд,
Буни кўп бор исбот этдинг, Эшон Маҳмуд.
Чизганингдан сенмас, доим есин дакки
Қаламгинанг учин очиб берган пакки.*

*Газеталар эшигини турсанг қоқиб,
Сафдошларинг икки дунё бўлмас рақиб.
Ҳавас билан боққанимиз дема алам,
Бизларга ҳам насиб этсин "Олтин қалам"!*

**Сурат ва шеърлар муаллифи Жаҳонгир МИРЗО**

## Қизиқ...

Ўзи бор-йўғи бир йилда биттагина булбулнинг кўзидеккина мақоламни эълон қиласизлару шундаям фамилиямни нотўғри ёзасизлар.
*(Жамоатчи мухбирнинг эътирози)*

Жиккаккина йигит ғилдирак эзган кўрсичқондай қизга қараб бир иржайди. Кейин кар қилинган беданадай ўрнидан турди.
*(Ҳикоядан)*

Кимнинг кўкрагига урсам «вой орқам» дейди. Уларнинг орқаси зўр-да! Мендачи? Жўжанинг бахти бўлса, товуққа елин битмасмиди?...
*(Ёлғиз кишининг ҳасрати)*

**Ҳ. ТОЖИМАТОВ**
тайёрлади

ОЗИНГНИ АНГЛА!
HURRIYAT
Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Исмат ХУДОЁРОВ
Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Раҳмон ҚЎЧҚОР, Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй.
Тел-факс: 142-49-91. Тел: 135-39-01, 142-52-72
Индекс: Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233
Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Навбатчи: Фаррух ЖАББОРОВ
Топшириш вақти — 20. 00 Топширилди — 19. 00
® — тижорат белгиси.
Буюртма — Г - 1455 Т: 2059 2 3 4 5